# М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

[Давоми. Боши биринчи бетда].

Яширишнинг ҳожати йўқ, эски замонларни қўмсаётган, оз бўлмаса турғунлик ва ҳатто турғунликдан аввалги замонларга қайтарадиган «тисарилувчи» қарорларни таклиф этаётган кишилар бор. Бу — хатарли маслаҳатлар, албатта, агар биз шу маслаҳатларга қулоқ солсак, сиёсатда жуда қўпол хатога йўл қўйган бўлур эдик, мамлакатни ва халқни янги фожиали синовларга дучор этган бўлур эдик. Буни масъулият билан қатъий айтмоқ керак.

Барча муаммоларнинг ечимини, пайдо бўлаётган саволларнинг жавобларини орқага тисарилиб эмас, балки олдинга интилиб изламоқ керак. Бундан ташқари, ҳозир янада қатъият билан ҳаракат қилиш лозим. Фикрлардаги саросималик нақадар зўрайиб кетганини кўра билиш керак, албатта. Энг муҳими эса, буни тўғри баҳолаш лозим. Ҳар қандай чинакам революцион ўзгартиш курашсиз бўлмайди. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик системаси ёппасига ҳукмрон бўлган яккабош ҳукмронлик давридан сарқит бўлиб қолган ҳамма иллатлар, қолоқликлар қаттиқ қаршиликсиз жой бўшатиб бермайди. Бу — биринчиси.

Иккинчиси шуки, биз шу бугуноқ ҳеч бўлмаганда эртага янги турмушнинг равнақини, ижтимоий адолат, эркинлик демократия олий мақсадларининг тантанасини, моддий мўл-кўлчиликни, озодликни кўришга муштоқликни пайқаб турибмиз.

Инсоний нуқтаи назардан буни тушунса бўлади. Аммо амалий сиёсатни бу асосга қуриб бўлмайди. Сабрсизлик кўпинча ҳаддан ошишга ва бузғунчиликка айланиб кетади. Иқтисодиёт соҳасида ҳам, демократия соҳасида ҳам, миллатлараро муносабат соҳасида ҳам шу фикр тўғри бўлиб чиқмоқда.

Агар биз мамлакатда ижтимоий тараққиётни жадаллаштирмоқчи бўлсак, айнан шундай қилишни хоҳлаймиз, бунинг йўли битта, у ҳам бўлса — шахснинг ижодкорлиги, ташаббускорлиги, масъулиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, инсон ва жамиятга эрк бериш, шу вазифаларни амалга оширишга халақит бераётган ҳамма тўсиқларни пухта ўйлаб, вазминлик билан бартараф қилиш, ижтимоий барқарорлик ва маданиятнинг илгари барпо қилинган пойдеворини жуда эҳтиёт қилиб асрашдир.

Бизнинг қайта қуришимиз революциядир. Аммо бу — алоҳида революция. Бу — тарихда биринчи тинч руҳдаги чинакам кенг миқёсли, ижтимоий революция.

Бинобарин, жамиятимизнинг бош вазифаларидан бири ҳам эски ижтимоий структураларни революцион тарзда синдириб ташлаб, зўрлик ишлатилмайдиган йўлдан қайтмасликдан, муҳолифликка, ўзаро низога, ўзаро тоқатсизликка, миллатлараро адоватга судраётган кучлар учун ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар қўйишдан иборат.

Жамиятнинг барча соғлом фикрли кучларини жипслаштириш қайта қуришнинг муваффақияти учун ҳаётий заруратдир, деган фикрни ҳаммага етказиш муҳимдир. Агар биз шуни тушуниб олсак ва бу тушунчани амалий ҳаракатларда мужассамлаштирсак, цивилизация тарихида мислсиз қадам қўйилган бўлади. Бизнинг қайта қуришимиз зўрликсиз, қон тўкмай, ижтимоий ўзгартишлар қилиш даврининг дебочаси бўлиб қолиши мумкин.

Режа билан уни амалга ошириш ўртасида жуда катта фарқ бор, албатта. Уни рўёбга чиқариш қийин ва машаққатлидир. Аммо мени руҳлантираётган нарса шуки, ҳозирги авлодлар ўтмишдан сабоқ олиб, бугунги кун воқелигини тўғри баҳолаб, йўлда бениҳоя катта сиёсий, иқтисодий, руҳий қийинчиликлар учраши мумкинлигига қарамай, тубдан янги ижтимоий-тарихий ечим учун масъулиятни зиммага оладиган даражада бақувват бўлиб чиқдилар. Келгусида ҳали кўп ишлар қилиниши, шу жумладан, энг катта қийинчиликлар енгиб ўтилиши лозим бўлади.

Президентлик бошқаруви айни мана шундай мураккаб, бениҳоя қийин даврда иш бошламоқда. Президентлик бошқаруви ҳамма дардлардан фориғ қиладиган бир нарса эмас, албатта. Ундан қандайдир ғайритабиий ғаройиб нарсаларни кутиб бўлмайди. Бунда хом хаёлларга берилмаслик керак. Аммо у янги шароитда ва янги даражада умуммиллий иноқликка эришиш имконини беради.

Мен Президент вазифасини қабул қилар эканман, тарихий даврнинг нақадар мураккаблигини, жамиятда йиғилиб қолган муаммоларнинг миқёси ва ўткирлигини, мана шундан келиб чиқадиган шахсий масъулиятни тушуниб турибман. Мана шу масъулият доирасида Президентлик Кенгашининг аъзолари билан қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий ўзгартишларни жадаллаштириш юзасидан яқин орада қўйиладиган амалий қадамлар хусусидаги баъзи мулоҳазаларни ўртоқлашмоқчиман.

Иқтисодиётимизнинг ҳолатини ҳар томонлама кўриб чиқиш, иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришга оид аниқ тадбирларни ишлаб чиқиш бизнинг энг муҳим вазифаларимиз, деб ўйлайман. Биз иқтисодий ислоҳотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишга масъулият билан ёндашдик, деб ўйлайман: узоқ вақт баҳслашдик, хўжалик ходимлари ва олимлар билан, меҳнат коллективлари билан маслаҳатлашдик. Аввало халқ хўжалигини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш қоидаларига ўтказиш, кооператив ҳаракатни, пудрат ва ижарани, хўжалик ҳаётининг бошқа янги шаклларини ривожлантириш хусусида ҳам амалий қадамлар қўйилди.

Бироқ биз тадбирлар мажмуасини амалга оширишга ҳали ҳам киришa олганимиз йўқ. Аслида иқтисодий воситалар ҳали ҳаракатга келтирилмади. Бу гап биринчи галда, нарх белгилашга, банкларга, пул-молия ва солиқ системаларига тааллуқлидир.

Хуллас, шундай бўлиб чиқдики, биз корхоналар ихтиёрига топширган ҳуқуқлар, давлат томонидан таъсир ўтказишнинг иқтисодий воситалари бўлмаган бир шароитда ва бизда иқтисодиёт монополияга, ҳатто ўта монополияга айлантириб қўйилган шароитда, даромадлар, инвестиция ва нарх-наво сиёсатида катта хатоларга, бозорнинг издан чиқишига олиб келди. Гарчи кооператив ҳаракат замирида жуда катта ижобий имкониятлар бўлса-да, бу ҳаракатда ҳам хатолар рўй берди.

Хуллас, соғлом мусобақа, рақобатлашув омиллари ҳаракатга келмади. Бевосита алоқалар аслида бозор муносабатларига ўтилмасдан аввалги, натура тусини олмоқда. Товар-пул муносабатлари ривожланмаяпти. Биз ҳамма тушунган маънодаги нормал бозорга эга эмасмиз, бу эса ислоҳотга тўсқинлик қилмоқда, иқтисодиётдаги умумий аҳволга, аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашга таъсир ўтказмоқда.

Ижтимоий ва кўп жиҳатдан миллатлараро кескинликнинг, пинҳона экономика, камчил моллар билан чайқовчилик қилиш учун қулай муҳит сақланиб турганлигининг илдизлари айни иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлигига бориб тақалмоқда.

Биз тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва инсон эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида манфаатнинг муҳимлигини доимо таъкидлаб келганмиз. Аммо ҳозир манфаатлар кўпинча бузғунчилик шаклларида намоён бўлмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги ошмаяпти, иш ҳақи эса кўпайиб боряпти. Кўп заводлар тўла қувват билан ишламаяпти. Имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти, аммо бу нарса корхоналарнинг, меҳнат коллективларининг иқтисодий аҳволига сира таъсир қилмаяпти.

Кўп ҳолларда хўжасизлик камаймай, ҳатто кучайиб боряпти. Хўш, буларнинг ҳаммаси нималар ҳисобига қопланяпти? Бу корхоналарнинг ҳукмронлик ҳолати ва оз ҳақ тўлаб, кредит олиш осонлиги натижасида нарх-навони сунъий ошириш ҳисобига қопланаяпти. Пировард натижада мана шуларнинг ҳаммаси қўшимча пул чиқарилишига, товар миқдорининг кўпайиши билан пул даромадларининг кўпайиши ўртасидаги тафовут ошиб кетишига олиб бормоқда.

Мамлакатда пулнинг қадрсизланиш жараёни кучаймоқда, бу нарса иқтисодиётни назорат остидан чиқариб юбориш хавфини вужудга келтирмоқда. Биз иқтисодиётни шу аҳволда қолдира олмаймиз. Тўппа-тўғри ва рост гапни айтмоқ керак: иқтисодий ислоҳотнинг мавжуд омилига туб тузатишлар киритилиши керак. Биз бу омилни ниҳоясига етказишимиз лозим.

Муваққат қийинчиликлардан ўтиб, иқтисодиёт манфаатдорлик, амалий фаолликни ривожлантириш, том маънодаги нормал бозорни вужудга келтириш негизида тўла куч билан ишлай бошлашига эришиш имконини берадиган чора-тадбирлар кўрилиши керак, мана шундай бозор доирасида маҳсулотлар одилона айрибошланадиган бўлсин, серунум меҳнатни ҳам, фан-техника тараққиётини ҳам, сифатли моллар ишлаб чиқаришни ҳам рағбатлантирадиган соғлом рақобат кенг қулоч ёзсин.

Башарти, бирон-бир киши мана шуларнинг ҳаммасини зўрлаш, зуғум қилиш, чўчитиш ва шу каби эскирган усуллар ёрдамида қилиш мумкин, деб ўйлаётган бўлса, бу — зарарли янглишишдир. Ҳозир бизга бошқарув соҳасида чуқур ўзгаришлар қилишга, коллектив акционерлик сармоясини рағбатлантиришга, монополияга қарши қонунларни вужудга келтиришга қаратилган чора-тадбирлар зарур, пулнинг қадрсизланиши олдини оладиган самарали тадбирлар ва бошқа кўп нарсалар керак, деб ўйлайман.

Ер ислоҳоти — алоҳида масала. Ер ҳақида қонун қабул қилинганлиги — аграр сиёсатдаги жуда катта бурилиш эканини англаб олиш лозим. Модомики шундай экан, бу қонунга негиз қилиб олинган зўр бунёдкорлик имконияти тўла қувват билан ишлай бошлаши учун, деҳқонларимиз бундан буён ва абадул-абад ердаги тўла ҳуқуқли хўжайин бўлиб қолишларидан кўнгиллари тўқ бўлиши учун ҳамма зарур шарт-шароитни яратиб қўйиш керак.

Хуллас, иқисодий ўзгартишларга янгича ёндашувлар ва қатъий қадамлар лозимлиги мутлақо равшан. Уларнинг моҳиятини қисқа қилиб таърифлайдиган бўлсак, гап назорат қилинадиган тарздаги бозор муносабатларига ўтиш тўғрисида боряпти. Бу эса аввало пул ва молия системаларини ўзгартиришни, ялпи манфаатдорлик ва фойда асосида корхоналар билан банклар ўртасида янги ўзаро муносабатларга ўтишни талаб қилади. Биз камомадсиз давлат бюджетига тезроқ ўтишимиз, нарх белгилаш системасини қайта тузишимиз лозим.

Ишларга очиқ кўз билан қараб, давлат мулки устун бўлиб қолаётганлиги, аммо унинг замиридаги имкониятлар хўжалик юритишнинг қайишқоқ хилма-хил шаклларини қўлланиш, кооперация, оилавий соҳибкорлик негизидаги майда корхоналарни оқилона ривожлантириш билан бирга қўшиш, ажнабий фирмалар ва банклар билан ҳамкорлик қилиш асосида рўёбга чиқарилиши лозимлиги ҳақида гапириш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш фонд ажратиш, лимит белгилаш, натура ҳолида айирбошлаш ва тақсимлашнинг турли-туман шаклларидан, буйруқбозлик аппаратининг ҳақиқий ҳокимияти асосини ташкил этадиган ҳамма нарсалардан имкони бор даражада воз кечиш билан қўшиб олиб борилиши керак. Ҳақиқатан ҳам биз бошқарувнинг натура-карточка «марказчилиги»ни чинакам молиявий марказчилик билан жуда қисқа муддатларда алмаштиришимиз лозим. Молиявий марказчилик макропропорциялар устидан давлат назоратини корхоналар ва гражданларнинг хўжалик мустақиллиги, манфаатдор ташаббускорлиги билан бирга қўшади, бу эса уларнинг бозордаги тенг ҳуқуқлилиги ва шериклиги доирасида юзага чиқади.

Айни шу йўлда инсоннинг эҳтиёжларини қондиришда, халқ турмушини яхшилашда туб бурилишга эришиш мумкин бўлади. Чора-тадбирлар мажмуида ижтимоий ҳимояланишни, биринчи галда кам таъминланган табақаларнинг шундай ҳимояланишини кучайтиришга оид тадбирлар ҳам шубҳасиз катта ўрин олиши керак. Бироқ бу вазифанинг муҳимлигини таъкидлаш билан бирга ҳимояланиш тайёрга айёрликни масъулиятсизликни рағбатлантириш билан қориштириб юборилмаслиги кераклигини таъкидлаб ўтиш зарур. Меҳнатга қараб ҳақ тўлаш ижтимоий адолатнинг негизи бўлиб қолиши керак.

Бунда гап чуқур ва пухта ўйлаб қарорлар қабул этишни талаб қиладиган жуда катта бурилиш ҳақда бораётганини яхши англаб турибман. Шу сабабли Президентлик Кенгашининг навбатдаги мажлисини шу масалаларнинг муҳокамасига бағишлашни таклиф қиламан. Бу соҳада сусткашлик қилиш ярамайди. Бу хусусда топшириқлар берилган ва ўртоқларнинг маълум қилишича, яна 10 кун, кўпи билан 15 кунда бу таклифларни принципиал ва амалий жиҳатдан муҳокама қилишимиз керак бўлади. Келинглар, бугун шу ҳақида келишиб олайлик.

Иқтисодиёт — бизнинг биринчи галдаги амалий вазифамиз. Бироқ сиёсий ислоҳотни ўтказмай туриб, иқтисодий ўзгартишларда муваффақиятга умид қилиб бўлмайди, зеро иқтисодиётдаги ислоҳотсиз сиёсий соҳада муваффақиятга умид қилиш қийиндир.

Мамлакатимизда сайлов бўлиб ўтди. Халқ ҳокимияти қарор топмоқда. Айни шу кунлар, ҳафталар ва ойларда ҳокимият амалда ва тўла-тўкис Советлар қўлига ўтади. Бироқ жамиятда бу бурилишнинг аҳамияти, менинг назаримда, пировардигача англаб етилгани йўқ. Ҳолбуки, гап моҳият эътибори билан шу ҳақда бораяптики, инсон турмушига тааллуқли масалаларнинг мутлақ ҳаммаси учун масъулият эндиликда маҳаллий Советларнинг зиммасига тушади. Уй-жой ва озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш ва таълим, савдо ва ҳуқуқ-тартибот шу жумлага киради.

Президент нуқтаи назаридан мен бу ўринда иккита муҳим жиҳатни кўриб турибман. Биринчидан, зарур бўлган ҳамма ваколатларни маҳаллий органларга берадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонуннинг Олий Советдаги муҳокамаси ва қабул этилиши имкони борича тезлаштирилиши керак. Ўшанда биз маҳаллий Советлар депутатларининг янгиланган корпуси бир кунни ҳам бой бермай, кўп иш қила олишига, ишга кириша олишига, етилган муаммоларни ҳал этиш ва истиқбол муаммоларини ишлаб чиқиш учун масъулиятни ўз зиммасига олишига умид қила оламиз.

Маҳаллий Советлар ишининг натижадорлиги кўп жиҳатдан билимдон, ишчан аппарат нақадар тез ва қандай даражада тузилишига боғлиқ бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат бор. Янги Советларни Олий Совет, ҳукумат ва, албатта, янги ташкил этилган президентлик ҳокимияти фаол қўллаб-қувватлаган тақдирдагина улар чинакамига тез ва самарали ишлай олади.

Президентлик Кенгаши мана шундай мадад беришни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблаши керак. Иккинчи томондан эса президент ҳокимияти қарорларини амалга оширишнинг ўша Советлардан, уларнинг раислари ва ижроия комитетларидан кўра бақувватроқ ва ишончлироқ омили йўқ. Бу масала — равшан. Гарчи жуда катта иш қилиниши лозим бўлсада, бу иш қисқа муддатда қилиниши керак.

Президентлик Кенгашининг бугунги мажлисида хўжалик юритишнинг янги шаклларини турмушга татбиқ этиш учун маҳаллий Советларнинг масъулиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Амалдаги қонунлар Советларга кооператив ҳаракати хусусида кенг ҳуқуқлар беради. Бу ҳаракат келгусида қай асосда ривожланиб бориши кўп жиҳатдан Советларнинг позициясига ва амалий ишига боғлиқ.

Ҳозирги иш шундай бўлиб турибдики, бир томондан кооператив ҳаракатнинг миқёслари бизни қаноатлантирмаяпти, иккинчи томондан эса дастлабки босқичда йўл қўйилган муайян нуқсонлар баъзи кооперативларнинг фаолиятида оғишларга ва салбий ҳолатларга олиб келди. Демак, бу соҳада кўп иш қилиниши керак, халқ олдида жуда масъулиятлимиз.

Ер ислоҳотини амалга ошириш учун Советларнинг масъулияти жуда катта. Биз бу ислоҳотга узоқ вақт давомида, катта қийинчиликлар билан, қаршиликни енгиб эришдик. Жамиятда бундан буён қишлоқ хўжалигини қандай ёндашувлар асосида бошқариш, янги аграр сиёсатни қандай ўтказиш кераклиги машаққат билан изланмоқда.

Ўртоқлар, ҳатто ҳозир ҳам, қишлоқларни тубдан ўзгартириш учун катта имкониятлар очадиган программавий қонун — Ер ҳақидаги қонун қабул қилинган бир пайтда ҳам мен иш тез ва силлиқ юришиб кетишига амин эмасман. Бу соҳада Советлар ўз ҳокимиятини ишга солиши ва ўз обрў-эътибори кучи билан ер ислоҳотини қўллаб-қувватлаши лозим. Бу янги қийин ишда Советлар хўжалик юритиш шаклларини танлашда барча қишлоқ меҳнатчиларининг ишончли таянчи ва мададкори бўлишлари керак.

Бугина эмас. Советлар қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш соҳасидаги куч-ғайратларни бирлаштириш ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқишлари керак. Бу ўринда улар шаҳарнинг, саноат корхоналари коллективларининг мададисиз, ҳозирги босқичда эса — бу масалаларда марказий маъмурларнинг салмоқли ёрдами ва муносиб эътиборисиз ҳеч нарса қила олмайдилар. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, биз қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий-маданий объектлар барпо этиш, йўллар қуришнинг, қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлаш ва қайта ишлаш муаммоларини ҳал қилишнинг кенг миқёсли программасини амалга оширишимиз керак.

Биз шу пайтгача қилган ишлар нақадар муҳим бўлмасин, бу ишлар деҳқонларни ҳам, умуман жамиятни ҳам қаноатлантиргани йўқ, қисқаси, Ер тўғрисидаги қонунни ва туб ер ислоҳоти билан боғлиқ бўлган бошқа қарорларни сўзсиз бажариш ҳақида Президентлик Кенгашида алоҳида гаплашиб олишимиз керак.

Ички сиёсий масалалар орасида иттифоқ шартномаси асосида федерациямизни тубдан ўзгартириш ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу шу қадар муҳим масаладирки, унга далил-исбот келтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман. Турмушнинг ўзи, биз Кавказортида, Болтиқбўйида, айниқса Литвада, бошқа регионларда дуч келаётган жараёнлар, — мана шуларнинг ҳаммаси тегишли масалаларни зудлик билан кўриб чиқиб ҳал этишни тақозо қилади. Шу мақсадда мен федерация кенгашини шу ҳафтадаёқ ўтказишни белгилаб қўйдим.

Қонунларга риоя этилиши Президентнинг ва, табиийки, Президентлик Кенгашининг бутун фаолияти марказида бўлиши керак. Башарти жамиятда бундан буён ҳам ҳуқуқий нигилизм ҳукмронлик қиладиган бўлса, биз ислоҳотлар соҳасида ҳам, демократик ривожланиш соҳасида ҳам илгари силжий олмаймиз.

СССР Президенти сифатида мен қонунийликка риоя этишни ўз фаолиятимнинг асосий йўналишларидан бири қилиб қўймоқчиман. Назаримда, биз биринчи галда ишни шундан бошлашимиз керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органларнинг масъулиятини қатъиян оширайлик. Шу органларнинг кучли ва кенг тармоқли системасига эга бўла туриб, жиноятчилик кучайишига, жазосизликка, гражданларнинг ҳуқуқлари узлуксиз бузилишига йўл қўйишимиз ярамайди-ку, ахир, ўртоқлар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг моддий таъминоти ва техникавий жиҳозланиши муаммолари ҳам бор, албатта. Биз бу муаммоларни ҳал қилишга киришдик. Шундай қилаверамиз. Аммо, умуман олганда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун уларнинг ихтиёрида жуда катта имкониятлар бор. Бас, шундай экан, жамият шу органларнинг раҳбарларига нисбатан жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш талабини қўйишга ҳақлидир. Дарвоқе, бу раҳбарларнинг бир қисми Президентлик Кенгашининг аъзоларидир. Бу соҳада қийинчиликларни, қайта қуриш нуқсонларини ва бошқа сабабларни асло рўкач қилиш керак эмас. Бу ишни Советларга, меҳнат коллективларига ва жамоат ташкилотларига таяниб, зудлик ва қатъият билан ҳал қилиш лозим.

Шу ўткир даврда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш учун биз Президентлик Кенгашининг бир гуруҳ аъзоларига: А. Н. Яковлев (мутасадди), В. А. Крючков, В. В. Бакатин, В. А. Ярингa ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг раҳбарларини жалб этиб шу ишни бажаришни топширишимиз керак. Зудлик билан кўриладиган чора-тадбирлар бошланган суд-ҳуқуқ ислоҳотини давом эттириш ва чуқурлаштириш, жумладан жиноят, гражданлик ва хўжалик қонунларини янгилаш масаласини кун тартибидан олиб ташламайди.

Умуман биз мамлакатда ҳар бир граждан қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳақиқий хавфсизликда яшашга ва ўз ҳуқуқларининг амалий ҳимоя қилинишига умид боғлай оладиган нормал, осойишта вазиятни вужудга келтириш учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

Халқаро ишларга келганда — бу соҳада бизнинг сиёсатимиз равшан, бу сиёсат мамлакатда маъқулланган ва дунёда яхши фикр билан кутиб олинган янгича тафаккур қоидаларига асосланади. Бироқ шу билан ҳаммаси тугади ва энди иш гўё ўз-ўзидан бораверади, деб ҳисоблаш хато бўлур эди.

Эндиликда, ўзгартишлар янгича жўшқинлик ва янгича миқёс касб этган бир пайтда кўпгина янги муаммолар келиб чиқмоқда. Бу гап қуролсизланиш, Европа жараёни масалаларига, бизнинг Осиё — Тинч океан атрофидаги ва бошқа жойлардаги ҳаракатларимизга ҳам тааллуқлидир. Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамкорлигимиз масалаларини қайтадан идрок этиш лозим. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида мутлақо янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун вақтимиз зиқ. Кўпгина аниқ масалаларни ишлаб чиқиш билан тезроқ шуғулланиш зарур. Ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларимизни қандай йўлга қўямиз? Бу саволларга равшан жавоблар қайтарилиши керак.

Дарвоқе, жамиятда ҳам бу саволларга тобора қизиқиб қаралмоқда.

Ёки экспорт ва импорт муаммосини олиб кўрайлик. Биз мамлакат аслида хом ашё етказиб берувчи бўлиб қолган, озиқ-овқат етказиб берилишига жуда қарамликка тушиб қолган аҳволни ўзгаришсиз қолдира олмаймиз. Дунёда жуда кўп миқдорда металл ишлаб чиқарганимиз ҳолда биз кўп ҳажмдаги қувур ва прокатни қачонгача четдан сотиб олишимизни бир ўрганиб кўриш керак.

Ниҳоят, барча мамлакатлар билан савдо-сотиқда жаҳон нархларига ўтиш, бинобарин сўмнинг чет эл валюталарига бемалол алмаштириладиган бўлишига ўтишга оид етилган тадбирлар муаммосини олайлик. Буларнинг ҳаммаси шу қадар муҳимки, менинг назаримда Президентлик Кенгаши даражасида таҳлил этадиган, таклифлар ишлаб чиқадиган, назорат қиладиган воситани яратиш лозим.

Ўз мулоҳазаларимни хулосалаб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий поғонасининггина эмас, бутун системасининг ҳам ишлаш самарадорлигини оширишни президентлик бошқарувининг вазифаси деб биламан. Бунда гап юклатилган вазифаларни бажариш учун ҳар бир бўғиннинг вазифаларини фарқлаб қўйишни янада чуқурлаштириш ва масъулиятини ошириш ҳақида бормоқда. Шундай қилмай туриб, президентлик идора усулини жорий этиш пайтида биз кўзлаган мақсадларга эришиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Мен Кенгаш аъзолари фаол, мунозара ошкора, эркин бўлади, деб умид қиламан. Ўзим ҳам шундай қилишга интиламан ва шундай муҳитни ўрнатиш йўлида зарур бўлган ҳамма ишларни қиламан.

## СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кўз тегмасин-у лекин кейинги пайтларда Олий Совет қонунларни муҳокама қилиш ва қабул этиш учун кворумни тўпламоқда. Масалан, 27 март куни палаталарнинг қўшма мажлиси бошланишидан аввал 410 депутат рўйхатдан ўтди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** биринчи муҳокамадаёқ учта қонун лойиҳаси — СССР гражданларига, чет эллик гражданлар ва гражданлиги бўлмаган шахсларга даромад солиғи солиш тўғрисида; бўйдоқ, ёлғиз ва кам болали гражданларга солиқни босқичма-босқич бекор қилиш ҳақидаги, давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари муҳокама қилинишини тушунтирди.

Барча қонун лойиҳалари комитетлар ва комиссияларнинг хулосалари билан тақдим этилди, ана шу материаллар орасида депутатлар гуруҳи таклиф этган муқобил материаллар ҳам бор. Комитет ва комиссиялар мазкур лойиҳа хусусида ҳам ўз хулосаларини тақдим этдилар.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳалари мамлакатнинг план-бозор иқтисодиётига ўтишининг таркибий қисми сифатида туб солиқ ислоҳотига асос солади, деди муҳокама қилинаётган масала юзасидан доклад қилган СССР молия министри **В. С. Павлов**.

Асосий муаммолар ана шу гуруҳини кўриб чиқишнинг долзарблигини мамлакатимиздаги, жамият иқтисодий турмушидаги аҳвол тақозо этмоқда. Одамларнинг даромадга қараб муқаррар табақаланиши яққол кўзга ташланмоқда. Ваҳолонки, ҳар доим ҳам бу адолатли бўлавермаяпти. Жамиятимиз ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу ҳолатга дуч келди, деб таъкидлади ҳукумат аъзоси. Бу эса ижтимоий вазиятга таъсир кўрсатди.

Янги системага кўра солиқ тўланмайдиган энг кам даромадни 80 сўмдан 90 сўмга кўтариш, 150 сўмгача иш ҳақига имтиёзли ставкалар белгилаш таклиф этилмоқда. Айни вақтда жуда юқори иш ҳақига (ойига 3 минг сўмдан ортиқ) солиқ ставкаси 60 фоизга етиши мумкин. Янги даромад прогрессив солиғи давлат корхоналари, кооперативлар, санъат ходимларини бир хил шароитга қўйишга қаратилган.

Ногиронлар илк маротаба солиқ имтиёзларини олишлари, солиқ сиёсати эса ҳайрияларни рағбатлантириши таъкидланди. Даромад солиғи тўловчининг мақомига ҳам ўзгартишлар киритилди. Энди гражданлик принципига қараб эмас, балки доимий яшаш жойига кўра солиқ тўлаш кўзда тутилади. Шундай қилиб, бизнинг солиқларимиз доирасига СССР территориясида яшаётган ёки хўжалик фаолиятини юритаётган бошқа давлатларнинг гражданлари ҳам киради.

Солиқ декларацияси аҳоли даромадларини белгиловчи асосий воситага айланади. Декларациянинг тўғри тўлдирилиб тақдим этилишини текшириш, даромадларни яширишга қарши курашиш учун кенг ваколатлар берилган солиқ инспекциясини тузиш таклиф этилади. Уларнинг энг мақбул миқдорини министр 100 минг ходимдан иборат бўлади, деб белгилади.

(ТАСС).

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Советининг 1989 йил 7 мартдаги 203-сон қарорига мувофиқ лицензиядан ўтказилиб, экспорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатига қўшимчани СССР Министрлар Совети 1990 йил 10 февралдаги 151-сон қарори билан тасдиқлади.

Қуйида санаб ўтилган қоғоз, химия ва нефть химияси маҳсулотларини лицензиялаш тартиби корхоналар, бирлашмалар, ишлаб чиқариш кооперативлари ва бошқа совет ташкилотлари ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳамма турларига (шу жумладан соҳил ва чегара бўйи савдосига, товар айирбошлаш (бартер) операциялари, бевосита алоқаларга доир операцияларга) тааллуқлидир.

Ацетонциангидрингa; винилхлоридга; винил—, этил —ва бошқа ацетатларга; метилметакрилат ва бошқа акрилатларга; водород перекисига, хромли бирикмаларга; каустик сода ва бошқа сода маҳсулотларига; олтингугуртли натрийга; фталангидридига; лок ва бўёқларга; толуол, ксилоллар, этилбензол ҳамда бошқа хушбўй углеводородлар ва улардан ҳосил қилинган маҳсулотларга, жумладан ҳидли ярим тайёр маҳсулотларга; нефтни қайта ишловчи ва нефть корхоналарининг ярим тайёр маҳсулотлари ва чиқитларига, жумладан бундай маҳсулотларнинг компонентларига; тозаланган ганч ва суюқ парафинларга; газсимон мономерлар ҳамда нефтни қайта ишловчи ва нефть химияси корхоналарининг фракцияларига; спиртлар ва альдегитларга, нефрасларга, ацетон ва бошқа нефть химияси ва химия эритгичларига; абсорбентларга; покришкалар, камералар ва бошқа резинотехника буюмларига; полиэтилинтерефталатга; органик ва ноорганик кислоталарга; титан қўшоксиди, рух оксидига; вторпластлар ва улардан ясалган буюмларга; полимер материаллар ишлаб чиқариш чиқитлари ва химиявий толаларга; пиролиз смолаларига экспорт қилиш учун лицензияларни **СССР Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министрлиги** беради.

Ёғоч-қипиқ, ёғоч-толали плиталарга; писта кўмирга, паркетга, ёғочдан олинадиган мойга; канифолга экспорт лицензияларини **СССР Ўрмон саноати министрлиги** беради.

Адипин кислотаси, триполифосфат, оддий полиэфирларга лицензияларни **«Агрохим» давлат уюшмаси** беради.

## СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Совет ҳукумати Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг ГДРда мулкчилик масалалари юзасидан 1990 йил 1 мартдаги баёноти муносабати билан қуйидагиларни таъкидлашни зарур деб ҳисоблайди.

Германиянинг мағлубиятга учраганлиги тўғрисидаги 1945 йил 5 июндаги декларацияда ва 1945 йил 2 августдаги Потсдам битимида Германия бошқа ҳеч қачон ўз қўшинларига ёки бутун дунёда тинчликни сақлашга хавф солмаслиги учун Германия милитаризми ва нацизмини таг-томири билан тугатишга, сиёсий турмушни демократиялашга қаратилган тадбирлар программасини қабул қилиш кўзда тутилган эди. Германиянинг бутун ҳарбий саноатини тўртта иттифоқчи давлат ихтиёрига ўтказиш тўғрисида ва ҳарбий жиноятчиларни жазолаш ҳақида, шунингдек ўтмишда иқтисодий куч ҳаддан ташқари марказлаштирилганлигига барҳам бериш мақсадида иқтисодиётни маҳаллийлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилинган эди.

Германиядаги иттифоқчи назорат кенгаши 1945-1946 йиллар давомида ана шу қарорлар асосида бир қатор қарорлар, жумладан «И. Г. Фрбениндустри» акционерлик жамиятига қарашли мол-мулкни мусодара қилиш ва унинг устидан назорат ўрнатиш тўғрисида» 1945 йил 20 ноябрь 9-сон қонунни ҳамда «Ҳарбий жиноятларда, жаҳонга қарши ва инсониятга қарши жиноятларда айбдор бўлган шахсларни жазолаш тўғрисида»-ги ва ана шу шахсларнинг мол-мулкини мусодара қилишни кўзда тутувчи 1945 йил 20 декабрдаги 10-сон қонунни қабул қилди.

Германиядаги совет ҳарбий маъмурияти (ГСҲМ) ана шу қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан нацист жиноятчилар, фашистлар давлати, Германия ҳарбий муассасаларининг мол-мулкини хатлади ва национал-социалистик партия мол-мулкини мусодара қилди.

1946 йилнинг баҳорида ГСҲМнинг буйруғи билан ана шу мол-мулк ва корхоналар немислар ўз-ўзини бошқаруви маҳаллий органларига ўтказилди.

1946 йилнинг 30 июнида Саксония ўлкасида умумхалқ референдумини ўтказиш йўли билан нацистлар ва ҳарбий жиноятчилар мол-мулки экспроприация этилган деб эълон қилиниши тўғрисида ва у халқ мулкига айлантирилиши ҳақида қонун қабул қилинди. Овоз беришда катта ёшдаги аҳолининг 93,7 фоизи қатнашди ва айни пайтда 82,42 фоиз аҳоли қонунни маъқуллаб овоз берди. 1946-1947 йилларда мазкур қарорларни босиб олинган бутун совет зонасининг аҳолиси қўллаб-қувватлади ҳамда бошқа ўлка ва вилоятлар бошқармалари шундай қарорлар чиқарди. 1946 йилнинг августига келиб, жами 9281 та корхона халқ мулкига айлантирилди.

Шарқий Германиядаги давлат халқ секторининг асосини ана шу мулк ташкил этди. Кейинчалик 1953 йилнинг охиригача ГДР халқ мулкига ўша пайтдаги оккупациячи маъмурларнинг фармойиши билан совет мулки ҳисобланган кўплаб корхоналар, жумладан Потсдам конференциясининг қарорлари асосида репарациялар тўлаш ҳисобига СССРга ўтказилган бир қанча саноат корхоналари ГДР халқ мулкига топширилди.

Потсдам битими мақсадларига биноан, совет ҳарбий маъмуриятининг розилиги билан ва меҳнаткашлар деҳқонлар оммасининг талабига кўра 1945 йилда шарқий Германия ўлка маъмурлари аграр ислоҳот ўтказдилар. Ислоҳот давомида реакцион Пруссия юнкерлигининг негизлари тугатилди, 1945-1946 йилларда ҳарбий жиноятчиларнинг барча мулки — 2.852.000 гектар ери, шунингдек йирик ер эгаларининг 100 гектардан ортиқ ер-мулки мусодара қилинди. Бу эса ерни кам ерли ва ерсиз деҳқонлар, кўчиб келган кишилар ихтиёрига халқ-ер мулкига ўтказиш имконини берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, совет томони шарқий Германияда мулкчиликни демократиялашга оид барча тадбирлар ўтказилиши тўғрисида иттифоқчи назорат кенгаши мавжуд пайтда уни хабардор қилган ва назорат кенгаши мазкур ахборотни маълумот учун қабул қилган.

Ана шу тадбирлар Германияни қуролсизлантириш, нацизмни йўқотиш ва унинг экономикаси картелларини бекор қилиш программаси доирасида амалга оширилганлиги учун улар ҳозирги ГДР территориясида фашизмга қарши демократик структураларни барпо этиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Совет Иттифоқи Германия ишларида ўз ҳуқуқлари ва масъулиятини ҳисобга олиб, ГФР билан валюта иттифоқи ва иқтисодий ҳамжамият тузилган тақдирда, шунингдек Германия бирлаштирилган тақдирда ГДРда мулкчилик муносабатлари қонунийлигига риоя этилиши учун, ГДРдаги мулк муносабатларини шубҳа остига қўйишга уринишларга қарши чиқади. Бу эса ҳар иккала герман давлати яқинлашиш ва бирлашиш жараёнида Германиядаги совет ҳарбий маъмурияти 1945-1949 йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга оширган тадбирлар қонунийлигига амал қилишларини кўзда тутади. Германия Демократик Республикасида совет томонининг розилиги билан ва унинг қарорига биноан ер ва бошқа мулк эгаларининг ҳуқуқларини ўзлаштиришга уринишлар мутлақо номақбул бўлур эди. Совет томони бу борада Германиянинг мағлуб бўлганлиги тўғрисидаги декларацияга, Потсдам битимига ва бошқа тўрт томонлама қарорлар ҳамда ечимларга амал қилган эди.

Совет ҳукумати ушбу масалада ГДРда ҳуқуқ-тартиботга қатъиян риоя этиш ва у ердаги миллион-миллион кишиларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги ГДР ҳукуматининг позициясини қўллаб-қувватлайди.

### ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**(Давоми. Боши биринчи ва учинчи бетларда).**

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Компартиясининг дастуридан келиб чиқадиган «Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожлантириш ҳамда меҳнаткашлар турмуш даражасини оширишнинг асосий йўналишлари» ушбу концепцияни тузишда асос бўлиб хизмат қилди. Асосий масала инсон омилини ошириш, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлади.

Бизнинг қатъий фикримиз шуки, ҳар бир инсон ва ҳар бир халқ яшашга қандай ҳақли бўлса, жумҳуриятимиз ҳам ўз хўжалигини мустақил юритишга шундай ҳақлидир.

Бу талаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида ўртоқ И. А. Каримовнинг маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу принципиал кўрсатмаларга асосан жумҳурият иқтисодий мустақиллигининг ўта муҳим позицияларини ишлаб чиқилди.

Депутат ўртоқлар, Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси сизларга тарқатилганлигини ҳисобга олган ҳолда эътиборингизни ушбу концепциянинг ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларига жалб этишга рухсат бергайсиз.

Шу аснода қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** Ўзбекистон жумҳурияти суверен давлат сифатида совет федерацияси составида иш тутади.

**Иккинчидан,** жумҳуриятнинг барча бойликлари, ер, нодир ва қимматбаҳо металлар ва бошқа қазилмалар, асосий фондлар, маданий ва тарихий обидалар унинг миллий мулки ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ранг-баранг ва ўзига хос қиёфасини ташкил этувчи барча нарсаларга жонкуярлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос хусусиятини сақлаб қолишга ҳар томонлама кўмаклашиш, Қорақалпоғистон АССР, вилоятлар, шаҳарлар, районларнинг, айниқса қолоқ регионларнинг ижтимоий ўсишини тезкорлик билан амалга ошириб, илғор регионлар даражасига етказиш асосий масала қилиб қўйилган.

**Учинчидан,** Ўзбекистон мустақил сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сиёсат юритишга қаратилган ўз суверен ҳуқуқларини амалга ошириб, муайян табиий, нуфус ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда хўжалик ва маданий ҳаётда миллий ўзига хослик сақланишини таъминлайди.

**Тўртинчидан,** жумҳурият ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши, ўз маблағлари ва бошқа даромад манбаларига сўзда эмас, амалда эга бўлиши керак.

**Бешинчидан,** жумҳурият бундан буён марказ ва мамлакатнинг бошқа регионлари билан ўз алоқаларини тўла тенг ҳуқуқли, тенг ва ўзаро фойдали шартномалар асосида қуради. Жумҳурият янгиланган федерация составида ҳам худди шу принципларда Бутуниттифоқ ва халқаро меҳнат тақсимотига ўз ҳиссасини қўшган ҳолда чет мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатади ва уни ривожлантиради.

**Ва, ниҳоят, олтинчидан,** иқтисод ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш барча системасини маҳаллийлаштириш ва демократиялаш умумий тус олиб, соҳалар ва территорияларнигина қамраб олмай, ҳар бир меҳнат коллективига кириб бориши, ҳар бир меҳнаткаш томонидан тушуниб етилиши, аҳолининг, айниқса унинг кам таъминланган қатламларининг ҳар томонлама ижтимоий ҳимояланишини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш ва жамиятнинг барча соҳаларига сингиб бориши шарт.

Иқтисодий мустақилликка эришиш учун барча тадбирларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётни юқори даражада самарали ва тезкорлик билан қуйидаги масалаларни амалга ошириш учун асос яратиш зарур:

— барча маблағ ва имкониятларни кечиктириб бўлмайдиган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга йўналтириш;

— табиий, ишлаб чиқариш, фан-техника ва нуфус имкониятларидан оқилона фойдаланиш асосида иқтисодиётни соғломлаштириш;

— ишлаб чиқариш структурасини регионал шароит ва иттифоқ ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги замонавий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

— халқ онгини ошириш, ижодиётини фаоллаштириш, иқтисодий ўсишнинг янги манба ва омилларини хўжаликни ривожлантиришга жалб этиш, меҳнаткашларда ҳақиқий хўжайинлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

— табиатни муҳофазалаш, экологик вазиятни яхшилаш, маданий ва тарихий ёдгорликларни авайлаб асраш; мен шунга эътиборингизни алоҳида жалб қилмоқчиман: биз шундай яшашимиз ва меҳнат қилишимиз керакки, она Еримизни кейинги авлодларга улар халқ бойлигини янада кўпайтира оладиган ҳолатда қолдиришимиз лозим.

Бу принципларни ҳаётга татбиқ этиш учун бундан айрим корхоналаргина эмас, балки бутун халқ манфаатдор бўлиши керак. Биз тажрибада шунинг гувоҳи бўлдикки, айрим ишлаб чиқариш коллективларининг манфаатдорлиги худбинликка айланмоқда. Бунда, масалан, ҳаётнинг ижтимоий-демографик, маданий, миллий жиҳатлари, экологияга эътибор берилмаяпти. Бунга эса ҳаётни изчиллик билан демократиялаш ва марказдан бошқаришни истисно этиш, **ваколатларни марказдан жумҳуриятларгагина эмас, балки жумҳуриятдан — вилоятларга, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва маҳаллаларга қайта тақсимлаш** асосида эришиш мумкин.

Бундай сиёсат юритиш йўли билан биз пировард натижада халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришнинг ажралмас таркибий қисми бўлган маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга ўтиш учун шароит яратамиз.

Шуниси ҳам жуда муҳимки, айрим территорияларнинг бошланғич шарт-шароити бир хил бўлишини таъминлаш учун таклиф этилган концепцияда жумҳуриятда регионал ривожланиш махсус фондини яратиш кўзда тутилмоқда.

Сўзсиз, барча қоидалар Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Конституцияларига мувофиқ, мухтор жумҳуриятга ҳам тўлиқ даражада тегишлидир.

Иқтисодий мустақиллик жумҳурият мулки билан умумиттифоқ мулкини ва аниқ ўйлаб чегаралашни кўзда тутади. Бу масалада бизнинг принципиал нуқтаи назаримиз миллий мулкнинг барча қимматли элементларини жумҳурият ижтимоий мулки деб тан олиш заруратидан келиб чиқиб белгиланади. Бу, аввало, ер, унинг қазилма бойликлари, сув запаслари бўлиб, улар сотилиши ёки гаровга қўйилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, жамоат бинолари, иншоотлар, ускуналар, товар-моддий ва бошқа соҳадаги ахборотлар, патентлар, бевосита жумҳурият бошқариш органлари томонидан бошқарилаётган тармоқларнинг ташкилотлари ва корхоналарининг мол-мулки жумҳурият мулки бўлиши керак.

Ваколатларни қайта тақсимлаш муносабати билан давлат мулкининг янги тури — коммунал мулк, яъни ҳар бир муайян территория-вилоят, шаҳар, район ва қишлоқ аҳолисининг умумий мулки пайдо бўлади ва у тегишли халқ депутатлари Совети томонидан бошқарилади.

Шуни сизларга айтиб ўтмоқчиманки, ҳурматли депутат ўртоқлар, юқорида баён этилган мулкнинг талқини СССРнинг тегишли қонунида баён этилган мулк талқинидан фарқланади. Бу жумҳуриятимизнинг ўзига хос шароити ва унинг аҳолиси манфаатлари билан боғлиқдир. Бизнинг тушунчамизда, масалан, жумҳуриятнинг табиий ресурслари умумиттифоқ мулки бўла олмайди. Агар масаланинг шу тарзда қўйилишини халқ депутатлари қўллаб-қувватласа, биз уни иттифоқ даражасида туриб ҳимоя қиламиз ва бу оддий адолатнинг тан олинишига эришиш учун ҳаракат қиламиз.

Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилди. Бугун биз шуни айта оламизки, Давлат план комитетида бундай қадамнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда Иттифоқ қарамоғидаги корхоналарнинг кенг доирасини босқичма-босқич жумҳурият мулкига ўтказиш ҳуқуқи ҳақида таклифлар ишлаб чиқилди. Биринчи босқичда маҳсулоти Ўзбекистон ССРни иқтисодий ривожлантириш йўналишларини амалга оширишда бевосита иштирок этадиган ва бунинг устига бугунги кунда етарлича илмий-техник базага эга бўлган ҳамда иттифоқ ва жаҳон бозорларида ўз иштирокини кенгайтириш истиқболи бор. Машинасозлик, металлургия, кимё ва халқ хўжалиги комплексининг бошқа корхоналарини жумҳурият хўжалиги доирасига қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Жумҳурият хўжалиги доирасига қабул қилинадиган корхоналар қаторига биринчи навбатда ишлаб чиқариш жараёни маҳаллий табиий ресурсларга асосланган корхоналар киради. Бунда, шубҳасиз, бу корхоналарнинг «соғломлиги», яъни уларнинг замонавий талабларга жавоб бериши ҳам ҳисобга олинади.

Режалаштирилаётган бу ишларнинг амалга оширилиши натижасида саноат ишлаб чиқаришида жумҳурият хўжалиги улуши 80 фоизгача, қурилишда эса бу кўрсаткич 90 фоизга етади. Шу жумладан агросаноат комплексига қарашли корхона ва хўжаликлар, хизмат кўрсатиш соҳаси, ижтимоий инфраструктура жумҳурият қарамоғига тўла ўтади.

Иттифоқ ихтиёрида қоладиган, лекин жумҳурият территориясида жойлашган барча корхоналар фаолияти шартнома асосида ташкил этилади. Шартномада улар ер, сув ва меҳнат ресурсларидан, фойдали қазилмалар ва бошқалардан фойдаланганлиги учун жумҳуриятга тўланадиган ҳақ қатъий белгилаб қўйилади. Шу муносабат билан биз депутатлардан жумҳурият территориясидаги мудофаа саноати тармоқларининг, умумдавлат энергетика системалари, темир йўл, ҳаво ва трубопровод транспорти, ахборот ва алоқа, СССР умумқурилиш министрликларининг корхона, бирлашма ва ташкилотлари, шунингдек жумҳурият территориясида жойлашган умумиттифоқ фондлари маблағларини — резерв, суғурта ва бошқаларни жумҳурият мулкига киритиш ҳақидаги фикрларини айтишларини сўраймиз.

Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидаги асосий босқичлари мана шулардан иборат. Бу мустақиллик унга эришиш йўлидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар пухта ишлаб чиқилиб, амалга оширилгандагина ҳақиқатга айланади.

Биринчи навбатда нима қилиш керак?

Энг аввал бизнинг марказ ва бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларимизда, шу жумладан давлат буюртмаси борасида ва айниқса, пахта етиштириш ва етказиб беришга буюртма борасида тўлиқ тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш зарур. Ўзингизга маълумки, ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва жумҳуриятимиз ҳукуматининг куч-ғайрати туфайли пахта якка ҳокимлиги тўғрисидаги масала ҳал қилинди. Пахта толаси ишлаб чиқариш йилига 1,5 миллион тонна даражасида барқарорлашди, бу мамлакатимизнинг пахта мустақиллигини сақлаб қолиш гаровидир. Бу мустақилликка 60 йил бурун Ўзбекистон ва бошқа пахтакор жумҳуриятлар халқларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилган эди.

Шу муносабат билан эслатиб ўтмоқчиманки, мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги кўпинча пахтакор жумҳуриятларнинг манфаатларига путур етказган ҳолда бўлса ҳам мустаҳкам равишда сақланди ва сақланиб келмоқда. Ғалла мустақиллиги эса шу вақтгача таъминланмаган, чорвачилик маҳсулотлари, умуман озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилмаган, биз буларни шу маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган жумҳуриятлардан олишга ҳаққимиз бўлса керак. Менинг фикримча, байналмилалчилик бурчини намунали адо этаётган, пахта мустақиллигини шунча йиллардан бери таъминлаб келаётган жумҳуриятлар марказ кўзи билан қараганда, камситилиши эмас, маълум афзалликларга эга бўлиши керак.

Бу ерда яна бир муҳим муаммо бор. Энг кейинги пайтгача бу ноёб маҳсулотга қўйилган амалда сув текин, очиғини айтганда — камситувчи нархлар пахтакорларда қонуний равишда қониқмаслик ҳиссини уйғотарди. Деҳқонларимизнинг қашшоқ турмушига сабаб — бу уларнинг жуда оғир меҳнати учун кўп йиллар давомида кам ҳақ тўланганлиги десам, муболаға бўлмайди. Ҳозир жумҳуриятнинг қатъий куч-ғайрати ва асосий талаблари натижасида пахтачиликда меҳнатга ҳақ тўлашдаги вазият яхши томонга ўзгармоқда. Иттифоқ органлари олдига пахта нархини ошириш билан бир қаторда сув хўжалиги қурилишига марказлаштирилган тартибда маблағ ажратиш, шу жумладан олдин ўзлаштирилган ерларни комплекс реконструкция қилиш ва қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш тўғрисидаги масала қўйилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларига ҳам харид ва сотиш нархлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Аммо Ўзбекистоннинг иқтисодий тенг ҳуқуқлилигини таъминлашдаги асосий омил, ишончимиз комилки, жумҳурият ихтисослашган тармоқлар маҳсулотига ва энг аввало пахтага давлат томонидан бериладиган буюртма Иттифоқдаги ўртача даражадан юқори бўлмаслигидир. Бунда Иттифоқ органлари томонидан давлат буюртмаларининг жойлаштирилиши кенг миқёсда конкурс асосида ўтказилиши керак.

Жумҳуриятимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга давлат буюртмасини бажаришни биз жумҳуриятимизни зарур бўлган маҳсулотлар билан умумиттифоқ фондидан таъминлашга чамбарчас боглаган ҳолда тасаввур қиламиз. Мамлакатимизнинг ягона халқ хўжалик комплекси дегани марказдаги амалдорларнинг жумҳуриятларни бошқарадиган тарғибот таёғи эмас. Бундай федерация маъмурий эмас, иқтисодий асосда иш юритиши зарур. Фикримизча, биз етказиб бераётган ва бошқа регионлардан олиб келинаётган маҳсулотнинг таркибини айнан шундай нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, мавжуд алмашувнинг самарадорлигини пухта баҳолаш ва зарур бўлса — унинг структурасини ўзгартириш чораларини ўйлаш керак.

Депутат ўртоқлар, бу борада мен сизларнинг диққат-эътиборингизни қуйидагиларга жалб этмоқчиман.

Ўзбекистон ССР Иттифоқдаги жами пахтанинг 61 фоизини, қоракўл терининг 100 фоизини, пилланинг 37 фоизини етиштириб бермоқда, кўп миқдорда газ, рангли ва асл металлар, бошқа жуда қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда ва экспорт ҳажми жиҳатидан мамлакатда учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Энг серҳосил йиллардан бири — 1988 йилда жумҳурият ташқарисига чиқарилган пахта толасининг қиймати қабул этилган давлат харид нархларида 2,8 миллиард сўмни ташкил этади, агар жаҳон нархларига айлантириб ҳисобланса, 2,2—2,3 миллиард долларга етади. Бу миқдор Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотига қўшаётган ҳиссаси умумий ҳажмидаги энг салмоқли улуш эканини таъкидлаш зарур.

Жумҳуриятдан четга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмида қоракўл билан хом пилла катта ўрин олади, деган фикр кенг тарқалган. Дарҳақиқат, бир неча йил муқаддам шундай эди. Бироқ 1990 йилги план устида ишлаш натижасида шунга эришилдики, шу йилнинг ўзидаёқ етиштириш мўлжалланган жами 1 миллион 400 мингта қоракўл теридан атиги 740 мингтаси мамлакатнинг бошқа регионларига жўнатилади, қоракўлнинг қолган қисмини жумҳуриятнинг ўзи тасарруф этиб, жумладан 360 мингта қоракўл терини чет элларга ўзимиз юборадиган бўлдик.

Депутат ўртоқлар! Ошкораликнинг йўқлиги яқин-яқингача нотўғри гапларга олиб келди. Ўзбекистоннинг «ер ости хазиналари», битмас-туганмас бойликлари — олтин, кумуш, рангли ва нодир металлар, энг қимматбаҳо стратегик хом ашё бўлмиш уран қазиб олиниши тўғрисидаги масалалар хусусида бўлар-бўлмас мулоҳазаларни келтириб чиқармоқда. Мана шу гап-сўзларга чек қўйиш учун сир пардасини кўтариш ва гапни рўй-рост айтиш пайти келди. Ўзбекистон ССРни мамлакатнинг асосий валюта цехларидан бири деб аташларини биласиз. Агар бир йилда қазиб олинган тилла жаҳон валютасида баҳоланадиган бўлса, у 790—910 миллион долларни ташкил этади. Жумҳуриятда қазиб олинаётган кумуш билан бирга бу миқдор 1 миллиард долларга етади. Бошқа рангли металлар — мис, руҳ ва бошқаларнинг қийматини ҳам бунга қўшмоқ керак, уларнинг ҳаммаси 250 миллион доллар туради. Шундай қилиб, жумҳуриятда қазиб олинаётган асл ва рангли металларнинг жами қиймати 1,2—1,3 млрд. долларни ташкил қилади. Яна мамлакатимиз валютасига ўтиб, жумҳуриятда қазиб олинаётган уранни баҳоласак, ресурсларнинг жами қиймати 1,7 миллиард сўмга етади. Юқорида келтирилган маълумотлар шунчаки таққослаб кўрилса, бу миқдор жумҳуриятда етиштирилаётган пахта толасининг қийматидан ички нархларда ҳисобланганда 1,6 баравар кам, агар жаҳон бозоридаги нархларда ҳисобланса 2,2 баравар кам бўлиб чиқади.

Келтирилган маълумотлар олтин ва қимматли металлар ҳисобигагина жумҳуриятнинг барча долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мумкин, деган тасаввур асоссиз эканлигини яққол исботлайди. Рақамлар фактлардир, фактларни эса рад этиб бўлмайди.

Кейинги беш йиллик мобайнида минерал ўғит, капролактам, кимёвий толалар ва бир қанча шу каби маҳсулотларни бошқа регионларга етказиб беришнинг умумий қиймати йилига қарийб 700 миллион сўмга етди.

Етиштирилаётган маҳсулотни жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетишнинг ўзини таҳлил қилиш асосида жумҳурият иқтисодиётига холис баҳо бериб бўлмаслиги ҳаммага тушунарли бўлса керак. Манзара тўлиқ бўлиши учун энди биз бошқа регионлардан нималарни олаётганимизни — регионлараро маҳсулот айирбош қилишнинг иккинчи таркибий қисмини — жумҳуриятга келтирилаётган маҳсулот ҳажми ва таркибини кўриб чиқайлик.

Нақадар ажабланарли бўлмасин, жумҳуриятга келтирилаётган маҳсулотлар орасида асосан хом ашё ва моддий-техника ресурслари улуши салмоқлидир. Чунончи, биз ҳар йили 3,8 миллион тоннагача дон, 1,5 миллион тонна ун, 4 миллион кубметр ёғоч, 4,8 миллион тонна кўмир, 13 миллион тоннадан кўпроқ нефть ва нефть маҳсулотлари, 4,4 миллион тонна металлар, 600 минг тоннагача қанд-шакар оламиз.

Ўзбекистонга келтирилаётган маҳсулот таркибида ускуналар, машиналар, механизмлар ва асбобларнинг улуши анчагина. Хусусан, радио электрон саноати буюмлари 365 миллион сўмлик, электротехника буюмлари — 213 миллион сўмлик, асбоблар — 160 миллион сўмлик, тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаси — 213 миллион сўмлик, автомобиллар ва уларга эҳтиёт қисмлар — 836 миллион сўмлик, химия ва нефть химияси машинасозлиги маҳсулотлари — 116 миллион сўмлик, енгил, озиқ-овқат ва омухта ем саноати учун технология ускуналари — деярли 100 миллион сўмлик. Умуман жумҳуриятга келтирилаётган машинасозлик ва металлга ишлов бериш буюмларининг қиймати йилига 11 миллиард сўмдан ошади, бу келтирилаётган умумий маҳсулот ҳажмининг 14 фоизини ташкил этади ҳамда жумҳурият халқ хўжалигининг ана шу маҳсулот турлари бўйича барча эҳтиёжларининг ярмидан кўпроғини қондиради.

Бизга олиб келиш ва биздан олиб чиқиб кетиш жараёнларини умумлаштириб, қандай кўрсаткичлар билан характерлаш мумкин?

Сўнгги пайтларда жумҳурият ташқарисига 9 миллиард сўмлик маҳсулот жўнатилмоқда. Бизга эса 13 миллиард сўмлик ёки 1,4 баравар ортиқ маҳсулот келтирилади. Жаҳон нархларига айлантирилганда, бу рақамлар 7 миллиард ва 11,3 миллиард сўмни ташкил этади ёки бошқача қилиб айтганда, олиб келинаётган ва ташқарига кетаётган миқдорларнинг фарқи бундан ҳам кўпайиб, 1,6 мартагача етади.

Агар буларни ҳажм бўйича олиб қараганда жумҳуриятга олиб келинаётган моллар чиқиб кетаётганидан 2,6 марта ошиқ. Бу нисбатлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу иқтисодимиз таркибининг паст даражадалиги, олиб келинаётган тайёр молларнинг нархидан хом ашё нархининг асоссиз пастлиги оқибатидир. Лекин асосий хулоса шуки — регионлараро қалин алоқалар халқ хўжалигининг яхлит комплексида ҳамма жумҳуриятлар учун зарурдир.

Депутат ўртоқлар! Жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш учун бажариш лозим бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш учун уларни молиявий жиҳатдан таъминлаш масаласини кўрмоқ керак. Бунинг учун бизда ҳамма шароитлар мавжуд. Бу жиҳатдан мен яна бир бор жумҳуриятимиз территориясида ишлаб чиқарилаётган даромаднинг нотўғри ҳисобланиши асосида юзага келган дотацион деган иборага принципиал жиҳатдан қарши эканлигимни таъкидламоқчиман. Юқорида қайд қилиб ўтилган рақамлар жумҳурият Президентининг, Ўзбекистон ҳеч қачон, ҳеч кимдан қарздор бўлмаган, балки ундан қарздордирлар» деган сўзларининг ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг молиявий базасини мустаҳкамлаш учун қуйидагилар таклиф этилади.

Биринчидан, жумҳурият молия базаси таркибига Ўзбекистон ССР мамлакатнинг бошқа регионларига етказиб берадиган пахта ва бошқа хом ашёга қайта ишлов бериб, якуний маҳсулот олишда яратилган **оборот солиғининг қўшимча қисмини киритди.**

Иккинчидан, биз умумиттифоқ ижтимоий-иқтисодий, фан-техника ва экология программаларини амалга ошириш учун маблағ, барча ривожланган мамлакатлардаги каби умумдавлат манбаларидан ажратилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ҳисобларимизга кўра, XIII беш йилликда фақат ирригация ва мелиорацияга Иттифоқ фондидан 11 миллиард сўмдан кўпроқ, шу жумладан Орол ва Амударё этакларидаги экологик вазиятни соғломлаштиришга 4 миллиард сўмга яқин маблағ ажратиш керак.

Иттифоқ ҳукуматининг биринчи навбатдаги бурчи қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришга маблағ ажратиш, деб ҳисоблаймиз, бу 3 миллиард сўмга яқинни ташкил этади. Ахир Оролга шунчалик экологик зарар етказилиши ва у ҳалокатга юз тутиши марказнинг топшириқларини бажариш туфайли рўй берди-ку.

Ва, ниҳоят, учинчи— ғоят нозик масала. Мен Иттифоқ маблағларидан Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳадаги бошланғич шарт-шароитини тенглаштириш учун маблағ ажратишни кўзда тутаяпман. Шуни айтиб ўтиш керакки, масаланинг бундай қўйилиши Иттифоқ органлари ва иттифоқдош жумҳуриятлар томонидан ҳеч қандай эътирозлар туғдирмаяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, фақат аҳолини уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, шифохоналар ва бошқа ижтимоий объектлар билан таъминлаш бўйича белгиланган кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш учун 3,5—4 миллиард сўм талаб этилади.

Депутат ўртоқлар! Ўз маърузамни тугатар эканман, яна шуни айтиб ўтишни истардим. Агар биз меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўла таъминлай олмас эканмиз, барча кишиларни ижтимоий меҳнатга жалб эта оладиган комплекс тадбирларни ишлаб чиқмас эканмиз, ҳеч қандай мустақиллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳозир бундай тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий программасини амалга ошириш, район миқёсидаги саноат комбинатлари ва кичик корхоналар, айниқса агросаноат комплексининг қайта ишлов бериш тармоқларида, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда ва бошқа соҳаларда филиаллар ва цехларнинг кенг тармоғини яратиш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, бизнингча, бу тадбирлар етарли эмас, чунки на бугун ва на эртага бу муаммо тўлиқ ҳал этилмайди. Шунинг учун агар бизнинг мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз ҳақиқатан ҳам ҳуқуқий давлат бўлмоқчи экан, унда бир вақтнинг ўзида аҳолининг қандайдир вақт ичида жамоат ишлаб чиқаришидан четда қолишга мажбур бўлган табақаси, бошқача айтганда, **ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ишлаб чиқилиши зарур.** Бизнингча, меҳнатга лаёқатли бу фуқаролар, бутун жаҳонда қабул қилинганидек, давлатдан моддий ёрдам кутиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўн ва ундан кўп фарзанд ўстириб, тарбиялаётган қаҳрамон оналарга ижтимоий ёрдам миқдорини ошириш вақти аллақачон етганлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз лозим.

Ўртоқлар! Сизнинг муҳокамангизга ҳавола қилинаётган Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақилликка ўтишининг асосий йўналишлари шулардан иборат. Биз бу масалалар халқ депутатлари томонидан маъқулланади, деган умиддамиз. Шу асосда муҳокама давомида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда бу йўналишларни аниқ мазмун билан тўлдириб, уларни иқтисодий сиёсатнинг иш қуролига айлантиришимиз зарур.

Биринчи марта биз ҳар бир регионнинг табиий-иқтисодий шароитлари, тарихий анъаналари ва хўжалик ихтисослашувини, жумҳуриятда истиқомат қилувчи барча миллатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўз-ўзини бошқариш, маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини қоплаш асосида жумҳуриятнинг баланслаштирилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишини таъминлашга қаратилган миллий регионал сиёсатнинг кечиктириб бўлмайдиган масалаларини реал асосда ҳал қилишга киришиш имкониятларига эга бўлиб турибмиз.

Боши берк кўчадан чиқишнинг бу сўнгги ва бирдан-бир имкониятини бой беришга ҳаққимиз йўқ. Бу ишда бизга меҳнатсевар, истеъдодли халқимизнинг минг йиллик донишмандлиги ва тарихий анъаналарига суянган ақл-идроки ёрдам бериши муқаррар.

Бу йўлда биринчи маротаба ҳақиқий демократик равишда сайланган халқимизнинг асл фарзандлари —депутатларимиз жонбозлик кўрсатадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

# МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Оролбўйи ва Қорақалпоғистон АССР муаммолари қандай ҳал этилаётганлигини назорат қилиб турадиган депутатлар группаси зарур. Автоном республикада аҳолини гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун кўп иш қилинмоқда. Шунга қарамай, биз гўштга давлат берадиган қўшимча маблағ кўпайтирилишини илтимос қиламиз. Бизда кучли овқатланишга муҳтож беморлар жуда кўп. Истеъмол даражасини республикадаги ўртача нормага етказишни сўраймиз.

Андижон область Олтинкўл районидаги Куйбишев номли колхоз ижарачиси депутат **Т. Б. Режапов** (129-Қумақай сайлов округи) деҳқонлар олдида турган кўпгина муаммолар тўғрисида гапирди.

— Бизда оила пудрати моддий-техника таъминотида анчагина қийинчиликлар бор. Менинг кўпгина ҳамкасбларим оилавий пудрат асосида ишлашмоқда. Ёнилғи-мойлаш материаллари нархи юз фоиз ошди, қишлоқ хўжалик техникаси ҳам қимматлашмоқда, суғориш ҳам пулли бўлади, деган гап бор. Биз эса кўп сув талаб қиладиган пахта, шоли етиштирамиз. Халқ билан маслаҳатлашмай туриб, бундай чораларни жорий этиш мумкинми? Оилавий пудрат асосида ишлайдиган коллективлар бундай шароитда қандай меҳнат қилиши мумкин? Бунинг устига эскича йўл-йўриқлар билан бизнинг қўлимизни боғлаётган бюрократлар ишлашимизга ҳалақит бермоқдалар, бизларни ишлаб топган даромадимиздан маҳрум этмоқдалар.

Мамлакатнинг кўпгина регионларида буғдой табиий намликда пишиб етилади, унинг нархи эса ошиб бормоқда, айни пайтда пахта нархи ғоят суст оширилмоқда. Бу масалани қайта кўриб чиқиш керак, ахир Ўзбекистон фақат арзон хом ашё етиштириладиган ўлка бўлиб қололмайди-ку! Тўғри, ўтган йиғим-терим мавсумида пахтага қўшимча ҳақ тўланди, аммо мен камбағалликка ва талонларга барҳам бериш муаммоларимизни ўзимизнинг ички ресурсларимиз ҳисобига ҳал этиш учун пахтадан товарлар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига чиқиш зарур деб ҳисоблайман.

Чорвачилик соҳасидаги аҳвол ҳам ташвиш уйғотади. Бизда ем-хашак етишмаётган бир пайтда республикамиздан арзон нархларда кунжара ва бошқа хил озуқалар олиб чиқиб кетилаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Ўз сайловчиларим номидан ана шу масалаларни ҳал этишни талаб қиламан.

— Ҳукуматнинг тақдим этилган программасида катта истиқболлар белгиланган, — деди Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинатининг бошлиғи депутат **Б. К. Алиев** (52-Шумилов сайлов округи). — Программада қурилиш ташкилотлари базасини мустаҳкамлашга, бинокорлик материаллари саноати қувватларини оширишга оид биринчи галдаги тадбирларни кўриш кўзда тутилади, уй-жой қурилишига, ижтимоий соҳага алоҳида эътибор берилади. Аммо бунинг учун қурилиш ташкилотларининг қувватлари етарлими, деган савол туғилади. Бу борада пухта ҳисоб-китоблар ва тармоқ имкониятларини олдиндан аниқлаш зарур. Бусиз ана шу режалар қандай ҳал этилишини тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон пойтахтининг ўзидагина уй-жой олиш учун 70 минг оила навбатда турибди. XII беш йиллик бошидан бери Тошкентда қарийб 500 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилмади. Қурилиш суръатлари истеъмол даражасидан анча орқада қолмоқда. Аҳволни тузатиш учун 1991 йилдан бошлаб ҳар йили 1—1,5 миллион квадрат метр уй-жойни бир маромда фойдаланишга топширилишини таъминлаш зарур. Аммо бунга қандай эришиш мумкин? Қурувчиларни материаллар ва техника билан таъминлаш системаси эскирди, таъминот ёмонлашмоқда ва айни пайтда бошқарув аппарати кенгайтирилмоқда. Ҳукумат мазкур муаммони биринчи галда ҳал этиши керак, деб ҳисоблайман.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири, депутат **Э. Н. Хўжаев** (280-Гагарин сайлов округи) аниқ таклифлар киритди:

— Биз ҳукуматимизнинг иқтисодиётни соғломлаштиришга доир тадбирларини анчадан бери кутардик. Инсон фаровонлиги, унинг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш ана шу дастурларнинг марказида бўлиши керак.

Энг зарур, долзарб муаммоларга доир ўз таклифларимни киритмоқчиман. Биринчидан —республика мулки ва бунинг ҳисобига миллий даромадни кўпайтириш масалаларини аниқламасдан биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Иккинчидан — корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтиши учун катта мустақиллик керак. Бу эса республикамизга аниқ-равшан даромад келтиради. Бундан ташқари, нарх-наво системаси қайта кўриб чиқилиши керак. Республикамиздан молларни ташиб кетиш ва бу ерга ташиб келтириш системаси тўғрисида қонун кераклигига имоним комил. Кўп ривожланган мамлакатларда бундай қонун бор. Ўзбекистоннинг мамлакат халқ хўжалиги комплексидаги ўрнини ҳам белгилаб олиш керак. Фан-техника тараққиётига аҳамият берилиши даркор. Агар биз замонавий технологиялар ва ишлаб чиқаришлар яратмасак, жаҳон бозорига чиқа олмаймиз.

Областлар ва республиканинг ўзаро муносабатлари принципларини ишлаб чиқиш зарур. Биз бу ишга ҳали қўл урганимиз йўқ, лекин уни бугуноқ бошлашимиз лозим. Ҳар бир область ўзини ўзи таъминлаши керак, шундагина республика хўжалик ҳисоби аниқ-равшан мазмун билан бойийди.

— Республикамизнинг ҳозирги раҳбарияти халқимизнинг эҳтиёжларини ва ўй-ниятларини ўйлаётганлиги кишини қувонтиради,— деди ўз нутқида Ҳамза номли совхоз ишчиси депутат **С. Умаров** (430-Дзержинский сайлов округи). — Афсуски, раҳбарлар ва оддий халқ ўртасида ўтмишда темир парда бўлиб, улар бу парда орқасидан халқнинг ғам-ташвишлари нимадан иборат эканлигини кўриша олмасди. Масалан, Фарғона областида 60 фоиздан кўпроқ ерга пахта экиб келинди. Мен боғбон сифатида бизнинг ўлкамиз боғлар ва токзорлар яратиш учун жуда қулай ўлка, деб ҳисоблайман. Планлар кўпаймоқда, мукофотлар ва қўшимча ҳақлардан эса дарак йўқ. Ҳеч ким, ҳой деҳқон, қандай яшаяпсан, дастурхонингда нима бор, қандай қишлаяпсан, деб сўрамайди. Бу ерда, мана шу залдаги ҳаёт бошқа, халқнинг ҳаёти эса бошқа. Биз бир-биримизни ниҳоят тушуна бошлаганимиздан хурсанд бўляпман. Депутатлар корпуси, республика ҳукумати ва турли жамоат ташкилотлари республикамизнинг ҳал этилмаган муаммоларини умумий куч-ғайрат билан жойидан силжитадилар, деб ўйлайман. Халқимиз эса яхши ишларни доимо қўллаб-қувватлайди.

Фарғона область Қува районидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси депутат **А. А. Қаландаров** (414-Намуна сайлов округи) халқ таълими ва педагогика кадрларини тайёрлаш муаммолари тўғрисида гапирди:

— Ўқитувчининг обрўсини кўтариш керак. Чунки бўлажак авлод қандай вояга етиши, унинг қандай маънавий фазилатларга эга бўлиши худди шу ўқитувчига боғлиқ.

Бинобарин, педагогика муаммолари кадрлар масаласи билангина тугамайди. Айниқса қишлоқдаги мактаблар ва бошқа ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур. Халқ таълими объектлари қурилишини тезлаштириш керак.

Депутатларнинг эътиборини яна бир муаммога қаратмоқчиман. Қишлоқ ўқувчилари олий ўқув юртларига кира олмайдилар, улар тайёргарлиги шаҳар болаларинникидан ёмон. Кўпинча истеъдодли, лекин яхши тайёрланмаган йигит ва қизлар олий ўқув юртларига киролмай, уйларига қайтиб кетмоқдалар. Депутатларнинг ёшлар ишлари комиссияси бунга жуда жиддий эътибор бериши керак.

**(Давоми бор).**

**УЗТАГ ТУЗАТИШИ**

Оммавий ахборот воситаларида 27 март куни эълон қилинган «Мажлислар кундалиги» хабарида сўзга чиққан депутат «О. Маҳмудов» фамилияси «А. Ғуломмаҳмудов» деб ўқилсин. ЎзТАГ Ўзбекистон ССР халқ депутати, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Абдували Ғуломович Ғуломмаҳмудовдан кечирим сўрайди.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Р — 04172. Д. — 1762. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12